



Нүсха шаҳри

Некисе калысы

№ 97

« 20 » март 2019 ж.й

Қорақалпоғистон Республикасында ичимлик суы таъминоти хизматларни тарифларига белгиленадиган махсус устама ҳақ белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фидолиятини таъкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-2900-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 25 февралдаги 05/1-4774-сонли топшириги ижросини таъминлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қылди:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 25 февралдаги 05/1-4774-сонли топшириги асосида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасига талаб этилдишган маблағлар тушумини таъминлаш мақсадида 2019 йил 1 мартдан ичимлик суы хизматлари учун махсус устама ҳақ миқдорлари вилоятлар учун – 50 сўм/м<sup>3</sup> ва Тошкент шаҳри учун – 100 сўм/м<sup>3</sup> ҳамда канализация хизматлари учун махсус устама ҳақ миқдорлари вилоятлар учун – 50 сўм/м<sup>3</sup> ва Тошкент шаҳри учун – 100 сўм/м<sup>3</sup> этиб белгилаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг тақлифини ижро учун қабул қилиш белгиланганлиги рақбарликка олинсин.

2. “Тўямуюн-Нўкус” минтақалараро суы қувурларидан фойдаланиш бошқармаси давлат унитар корхонасига таъдиқланган 1 м<sup>3</sup> ичимлик суы тарифига махсус устама ҳақ белгиланган тартибда 50 сўм/м<sup>3</sup> ва канализация хизматлари учун 1 м<sup>3</sup> чиқариладиган оқва суы тарифларига махсус устама ҳақ белгиланган тартибда 50 сўм/м<sup>3</sup> миқдорида белгилансин.

3. “Тўямуюн-Нўкус” минтақалараро суы қувурларидан фойдаланиш бошқармаси давлат унитар корхонаси (М.Утеғиязов) АТИБ “Ипотека банк” Қорақалпоғистон филиалида очилган махсус ҳисоб-варақасига корхонанинг асосий ҳисоб-варақасидан махсус устама ҳақ пул суммасини ўтказиш тўғрисида маълумот берилишини таъминласин.

4. АТИБ “Ипотека банк” Қорақалпоғистон филиалига (А.Утеғенов) “Тўямуюн-Нўкус” минтақалараро суы қувурларидан фойдаланиш


бошқармаси давлат унитар корхонасининг махсус ҳисоб-варақада тулланган махсус ҳақ пул маблағлари ҳисобидан ҳар ойда уч марта Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб-варақасига маблағларни ўтказиб бориш топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2018 йил 29 январдаги 52-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор оқмавий аҳборот воситаларида расмий турда эълон қилинсин ҳамда расмий эълон қилинган кундан бошлаб ўз кучига қариши белгилаб қўйилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Ж.Емберенов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ.С.Зириев